



ОИЛАВИЙ ҚАДРИЯТЛАР – МУСТАҲКАМ ОИЛА ГАРОВИДИР

Исмайлова Р.

*Тошкент Давлат педагогика университети доценти,
психология фанлари номзоди*

Исмаилова З.К.

*Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини
механизациялаш мухандислари
институтини-миллий тадқиқот университети профессори, п.ф.д.*

Таянч сўзлар: маҳалла, оила, гендер тенглиги, кадриятлар, ҳуқуқ нормалари, оилавий муносабатлар, ижтимоийлашув.

Ключевые слова: маҳалля, семья, гендерное равенство, ценности, правовые нормы, семейные отношения, социализация.

Key words: neighborhood, family, gender equality, values, legal norms, family relations, socialization.

Кириш. Кўп олимлар ўз тадқиқотларида маънавий таназзулнинг асосий омиллари бўйича қатор изланишлар олиб боришди, ҳар хил қизиқарли таҳлилиий маълумотлар асосланди, лекин буларнинг ичида одамни ташвишга соладиган бир қараганда эътиборсиздек туйиладиган, лекин оқибати таназзулга, жоҳилликка олиб борадиган бир омил, яъни оилада фарзанд тарбияси ва оилавий кадриятларга эътиборсизлик иллоти миллатнинг маънавий таназзулининг асоси десак ҳечам муболаға бўлмайди. Нега бугун ота-оналар ўртасида фарзанд тарбияси борасида эътиборсизликгай йўл қўйилмоқда? Фарзанди тарбияси билан шуғулланишига қандай омиллар тўсқинлик қиляпти? Ота-оналар тарбиявий ёндашувларини билладими? Мазкур саволлар бизнинг масала юзасидан ҳамма учун бирдек аҳамиятга эга оптимал ечим топиш вазифасини олдимизга қўймоқда. Бугун бутун дунёда инсон капитали учун кураш, энг катта сармоя фарзандни яхши билимли бўлишига, тарбиясига тикилаётган бир вақтда фарзанд тарбиясига эътиборсизлик иллоти кучайиб бораётганлиги ҳаммамизни ташвишлантиради. Бу борада барча таълим муассасаларида илмий соҳаларга йўналтирилган тадқиқот

ишлари олиб борилмоқда. Мана шундай тадқиқотлардан бири бугунги мавзу доирасидаги асосий олиб борилаётгани бизни қувонтиради албатта. БМТ Бош Ассамблеясининг 1993 йилда оилаларнинг кўплаб муаммоларига жамоатчилик эътиборини жалб қилиш, уларни ҳал қилиш учун ресурсларни сафарбар қилиш ва оилавий кадриятларни мустаҳкамлаш мақсадида эълон қилинган резолюцияси асосида Ўзбекистонда ҳар йили 15 май куни Халқаро оила куни нишонланади. Замонавий оила дуч келадиган кўплаб муаммолар кўлами гендер омили, меҳнат фаолияти билан оилавий ҳаёт ўртасидаги мувозанатни ҳисобга олган ҳолда оилаларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш зарурати билан боғлиқ.

2022-2026 йилларда янги Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг еттига устувор йўналиши бўйича Тараққиёт стратегияси доирасида Оила институтини, маънавий-ахлоқий асослар ва анъанавий оилавий кадриятларни мустаҳкамлаш, ёшларни никоҳ ва оилавий ҳаётга тайёрлаш, оилалардаги низоли вазиятлар ва ажримларнинг олдини олиш борасида ягона давлат сиёсати амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикасида оилани мустаҳкамлаш, соғлом ва бахтли оналик ва болалик учун зарур шарт-шароитларни яратиш ҳақида ғамхўрлик қилиш давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Оила-никоҳ муносабатлари ва оила аъзолари ўртасидаги муносабатларни тартибга солувчи, миллий кадриятларга асосланган, халқаро ҳуқуқ нормалари ва талабларига жавоб берадиган қонунчилик базаси узлуксиз такомиллаштирилмоқда. Сўнгги йилларда мамлакатимизда муваффақиятли амалга оширилаётган давлат дастурлари оилани мустаҳкамлашга қаратилган. Амалга оширилаётган халқаро ва давлат стратегиялари ҳамда оилани мустаҳкамлаш чора-тадбирлари замирида фуқароларнинг оила ва оилавий ўзаро муносабатларга бўлган муносабатининг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга [1].

Тадқиқот методологияси. Жамоатчилик фикрини ўрганиш юзасидан ўтказилган ижтимоий тадқиқотларнинг натижалари фуқароларнинг оила институтининг замонавий жамиятдаги роли ва ўрни, оилага замонавий инсон, айниқса, ёшлар нигоҳи билан қараш, оилавий кадриятларга бўлган муносабатини аниқлаш имконини беради.

Фуқароларнинг оилавий кадриятлар тўғрисидаги тасаввурлари фикрлари, қарашлари, муносабатларини ўрганишга қаратилган ижтимоий тадқиқот онлайн сўрови усули ёрдамида ўтказилди. Сўровларда республикаимизнинг барча ҳудудларида, шаҳар ва қишлоқ жойларида яшовчи 18 ва ундан катта ёшдаги фуқаролар, турли соҳа ва тармоқларда банд бўлган турли ижтимоий гуруҳлар вакиллари иштирок этишди [2].




Оилавий қадриятлар ҳақидаги тасаввурларни ўрганишда тадқиқот доирасида ўзбекистонликлар оилада никоҳнинг ўзига хос хусусиятларини (унинг қадрияти, оилавий ҳаётнинг бошланиши, оилавий қадриятларнинг юзага келиши ва фарзандлар ҳаётига синдириш усуллари) ва оиланинг мавжуд бўлишини тавсифловчи эҳтимолий қийинчиликлар (оилавий ажримлар) ва оилавий қадриятларни ривожлантириш тенденциялари ҳисобга олинган ҳолда ўрганилди. Онлайн сўровномалар ўзбекистонликлар томонидан оилавий қадриятларнинг инсон ҳаётидаги ролига берилган баҳони аниқлаб берди, бунда оиланинг наслни давом эттириш учун зарурлиги ва инсон руҳий-ижтимоий фаровонлигининг ресурси сифатида оила ҳақидаги тасаввурлар асосий ҳисобланади.

Таҳлил ва натижалар. Ўтказилган тадқиқотда фуқароларнинг расмий никоҳга бўлган муносабатини аниқлаш билан бирга респондентларнинг оила, фарзанд, ота-она намунаси ва уларнинг маънавий ахлоқий қарашларини кўриш мумкин. Умуман олганда, респондентлар расмий никоҳ, молиявий мустақиллик, оилада эр-хотиннинг вафодорлиги, оила мустаҳкамлиги оиланинг асосий шарт ҳисоблашади. Оила қуришда бир хил динга эътиқод қилиш муҳимлиги, оилавий муносабатларда патриархал яъни оилада отанинг устунлиги, бош бўлиши ва оилани молиявий таъминлаш унинг зиммасида эканлигини тадқиқот натижаларида кўришимиз мумкин.

1- жадвал

Оила қуриш учун расмий никоҳдан (ФХДЁ)дан ўтмоқчимисиз?



Тадқиқотда ёшларни никоҳга ва оила қуришда расмий никоҳни (ФХДЁ) қўллаб-қувватланишининг яққол тенденцияси аниқланди. Аксарият респондентлар (62,90%) расмий никоҳдан ўтиш истаги борлигини кўришимиз мумкин. Расмий никоҳга киришишнинг асосий сабаблари сифатида оила қуриш истаги 49,3%, фарзандли бўлиш истаги 26,9%, севги эса 13,4


% ни ташкил этган. Кўришиб турибдики, ўзбекистонликлар учун оилали ва фарзандли бўлиш муҳим ўринда туради.

Ажрашиш учун хиёнат 60,3%, эр-хотин ўртасида меҳр ва ўзаро бир-бирларини тушунмаслик 45,6%, фарзандсизлик 48,5% ни ташкил этган. Оилада муносабатларнинг поклиги, эр ва хотиннинг бир бирига муносабатидаги ишонч, ҳурмат, бир-бирини тушуниши оила мустаҳкамлигининг асоси, деб ҳисоблашларини кўришимиз мумкин. Ўзбек оиласи учун фарзандсизлик – бу оила учун жиддий муаммо ва фарзанд кўришга интилаётган турмуш ўртоғи, эркак ва аёл, агар оилада узок вақт мобайнида фарзанд бўлмаса, ажрашиш учун ариза бериши мумкинлиги аниқланди [3].

47,7% сўровнома иштирокчилари оилани ташкил этишнинг патриархал шаклини (оила бошлиғи эркак, у асосий қарорларни қабул қилади) танлаганлар, 44,6% эса, барча қарорлар биргаликда қабул қилиниши, оила бошқарувининг демократик шакли (эр-хотинлар оиланинг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида бошқариши)ни танлаганлар, бу аҳолининг тафаккурида ҳам диний ва миллий хусусиятлар сақланиб қолиши билан бирга, янги тафаккур, эр ва хотиннинг тенг ҳуқуқлиги, демократик ғояларнинг ҳам шаклланганлигини кўришимиз мумкин.

2-жадвал

Ота-онангизнинг оилавий ҳаёти сиз учун намунами?



Тадқиқот натижалари фуқароларнинг кўпчилиги яъни 85,8% ота-онанинг оилавий ҳаёти улар учун намуна эканлигини таъкидлаганлар. Шу




билан бирга 86,6% респондентлар ўз фарзандлари ҳам оилавий анъаналарни келажакда ўз оилаларида давом эттиришни хоҳлашларини кўрсатганлар.

Шу билан бирга 64,20% респондентлар ўз ота-оналарининг оилавий муносабатлари моделидан қониқишлари ва 14,20% эса оилам учун мен оилавий муносабатларнинг бошқа моделини афзал кўраман, дея жавоб берганлар.

3-жадвал


Ота-онангизнинг оилавий муносабатлари модели сизни қониқтирадими?



Оила қуриш учун иш ва доимий даромадга эга бўлиш 44,8% ни, 23,9% ота-онанинг розилиги ва 22,4% оила қуриш истагини, аксарият респондентларнинг оила олдидаги мабулиятни оилани моддий таъминлаш билан кўрсатдилар.

4-жадвал


Оила қуриш учун қандай шарт-шароит етарли деб уйлайсиз?



Сизнингча, ким оилани моддий жиҳатдан таъминлаши керак, деган саволга 50% респондент эр-хотин тенг ҳолда иштирок этиши, 47,10% эр таъминлаши керак деб жавоб берилган. Демак бугун жамиятда оилани моддий таъминоти эр ва хотин зиммасида бўлиши нормал ҳолат ҳисобланади.

5-жадвал

Сизнингча, ким оилани моддий жиҳатдан таъминлаши керак?




Сиз учун ҳаётда қимматли ва энг муҳими нимада, деган саволга 67,6% оила ва шунга мантиқий боғланган ҳолда фарзандлар жавоби белгиланган ҳамда 39,7% соғлиқни белгилаганлар. Бу жуда муҳим, демак аҳоли онгида ўз саломатлигига бўлган эътибори кучайганидан далолат беради.

Респондентларнинг 80,6 % болаларни ислом дини қадриятларига ўргатиш ва 9% эса дунёвий меъёр ва қоидалар муҳим деб ҳисоблаганлар [4].

6-жадвал

Бола қандай қилиб оилавий қадриятларни ўзлаштиради?






Сўровномада иштирокчиларнинг 38,60% бола билан тарбиявий суҳбатлар, бу кадриятларнинг нима учун бу муҳимлигини тушунтириш, 31,40% шахсий намуна ва кадриятларни бола ҳаётига фаол киритиб бориш орқали орқали болаларга оилавий кадриятларни ўзлаштиришларига кўмак беришлари 65,7% фарзанд тарбиясида ва оилавий муаммоларни ҳал қилишда боланинг фикрини ҳисобга олган ҳолда, оилада боланинг тенглик ҳуқуқини таъминлашлари кўрсатилган.

Респондентларнинг 37,3% оиланинг шажаравий дарахти мавжудлиги, 25,4% қисман, бу ҳақида маълумот тўплаётганликлари, 20,9% оиланинг шажаравий дарахти йўқлиги ва 14,9% режалаштираётганликлари ҳақида маълумот берганлар.

7-жадвал

Оилангизнинг шажаравий дарахти, сизда борми?




Оилавий кадриятлар сифатида 53,2% оиладаги соғлом муҳит, 14,9% соғлом оила ва мустаҳкам жамият, шу билан бирга катталарни ҳурмат қилиш, ҳар бир оиланинг ўз тарихини билиш, миллий урф-одат ва анъаналар, ўтганларни ёд этиш, ота-онани хизматини қилиш, фарзандлар таълимига инвестиция киритиш, яъни ўқитиш учун барча имкониятларни яратиб бериш кабиларни ҳам оилавий кадриятлар таркибига киритганлар. Шунингдек, байрам кунлари, туғилган кунларни нионлаш, дам олиш кунлари оилавий тушликларни ташкил этиш, фарзандларни ҳаётда эришган ютуқларини (биринчи қадам, 1-синфга бориш, мактаб ёки олий ўқув юртини тугатиш, диплом олиш ва б.) оилавий анъаналар сифатида кўрсатилган [5].

53,8% респондентлар оилавий кадриятларни шаклланиш йўллари куйидагича кўрсатганлар, оила ҳаётига урф-одатларни мақсадли равишда киритиб бориш, 30,8% авлоддан-авлодга ўтиб келаётганлиги, 1,5% оила-

вий анъаналар йўқлигини таъкидлаганлар. 52,9% респондентлар бир-бирига ғамхўрлик, ўзаро хурмат, қўллаб-қувватлаш, 16,2% яқин қариндошлар (ака-ука, опа-сингиллар ва бошқалар) билан мулоқот қилиш, оилавий байрамлар, юбилейлар ва бошқалар, 13,2% оилада ишонч, қарашларнинг ўхшашлиги, ўзаро тушуниш каби қадриятларни энг муҳим қадрият сифатида белгилаганлар. Шунингдек, 66,2% иштирокчи оила аъзолари бўш вақтларини биргаликда ва оилавий тадбирларни ҳам биргаликда ўтказишлари муҳимлигини таъкидлаганлар.

8-жадвал


Сизнинг оилангизда авлодлар(бобо,буви, қариндошлар) ўртасидаги алоқа қандай ўрнатилган?(ёзинг)



Респондентларни 91,40% катта авлод (бобо,буви ва яқин қариндошлар хolidан хабар олиб туришлари), улар билан яқин муносабатда эканликларини кўрсатганлар [6].

9-жадвал

Фарзандингиз учун қайси тарбия услубини танлайсиз?





Хулоса ва таклифлар. Умуман олганда, тадқиқот натижалари орқали, оила аҳоли учун асосий ҳаётий кадрият бўлиб қолмоқда. Фуқароларнинг тасаввурида мамлакатимизда оиланинг ўзига хос фазилатлари – никоҳнинг муқаддаслиги болаларга муҳаббат, катта авлоднинг юқори нуфузи, оила аъзолари ўртасидаги муҳаббат ва маънавий яқинлик, ўзаро ҳурмат ва ўзаро тушуниш, ўзаро ишонч туйғусига қурилган муносабатлар эканлигини кўришимиз мумкин.

Сўров натижаларига кўра, оилаларда қулай ва монанд муносабатлар ўрнатилиши, оилалар фаровонлигини мустаҳкамлаш ва ёш авлодни миллий ва умуминсоний кадриятлар руҳида тарбиялаш муҳим аҳамиятга, деган фикрга қўшиладилар.

Адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. – Т.: Ўзбекистон, 2017. – 104 б.
2. Ғозиев Ғ.Ф. Умумий психология. Т.2010. 459-бет.
3. Исмаилова З.К. Тарбиявий иш методикаси. Т.: Фан.2003.
4. Андреева И.Н. Эмоциональный интеллект как феномен современной психологии. Новополецк ПГУ. 2011-21с.
5. Оила психологияси проф.Ғ.Б. Шоумаров таҳрири остида.Т.: Шарқ, 2001. Ўзбек оиласининг этнопсихологик муаммолари (Республика илмий-амалий конференцияси маърузаларининг баённомаси)
6. Курбонова Г.А. Оиладаги шахслараро муносабатларнинг фарзанд ижтимоий перцепциясига таъсири: Автореф. дис. ... психол. фан. номзоди. – Т., 2009. - 188 б.

РЕЗЮМЕ

Давлатлар ва халқаро ташкилотлар томонидан оила масалаларига қаратилган жиддий эътибор оиланинг жамият ва шахснинг барқарор ривожланиши учун тутган ўрни билан боғлиқ. Глобал нуқтаи назардан оилани қўллаб-қувватлашга барқарор ривожланиш соҳасидаги мақсадларга эришиш, жумладан, қашшоқликка барҳам бериш, соғлиқ ва фаровонликни таъминлаш, аёлларнинг имкониятларини кенгайтириш ва уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, тенгсизликни камайтириш механизми сифатида қаралмоқда. Мақолада муаллиф оилани мустаҳкамлаш, соғлом ва бахтли оналик ва болалик учун зарур шарт-шароитлар оилавий кадриятлар тўғрисидаги тасавурлари фикрлари, қарашлари, муносабатларини ўрганишга қаратилган социологик тадқиқотлар ҳақида сўз юритади.

РЕЗЮМЕ

Огромное внимание к семейным вопросам со стороны государств и международных организаций связано с ролью семьи в устойчивом развитии общества и личности. С глобальной точки зрения поддержка семьи рассматривается как механизм достижения целей устойчивого развития, включая искоренение нищеты, обеспечение здоровья и благополучия, расширение возможностей для женщин и защиту их прав, сокращение неравенства. В статье автор рассказывает о социологических исследованиях, направленных на изучение взглядов, представлений, отношений населения о семейных ценностях, необходимых условиях для укрепления семьи, здорового и счастливого материнства и детства.

SUMMARY

Great attention to family issues on the part of States and international organizations is associated with the role of the family in the sustainable development of society and the individual. From a global perspective, family support is seen as a mechanism for achieving sustainable development goals, including poverty eradication, ensuring health and well-being, expanding opportunities for women and protecting their rights, and reducing inequality. In the article, the author talks about sociological research aimed at studying the views, perceptions, attitudes of the population about family values, the necessary conditions for strengthening the family, healthy and happy motherhood and childhood.